



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «8» июль

VI-30-28-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Вилоятда камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ижроси ҳақидаги, шунингдек ташқи қарз ҳисобидан ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисида вилоят ҳокими Т.Боболовнинг ҳисоботи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сон Фармони ижроси бўйича Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболовнинг ҳисоботини тинглаб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон Фармони ижроси бўйича Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболовнинг ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Таиров ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари эҳтиёжманд оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида вилоят ҳамда туман (шаҳар)лар “Маҳалла ҳайрия жамоат фонди” ҳузурида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” жамғармаларига зарур маблағларнинг шакллантирилишини таъминласин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда секторлар раҳбарлари ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш истагини билдирган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” даги эҳтиёжманд оилаларга ажратилиши ҳамда дастлабки харажатларини “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларидан қонунда белгиланган тартибда қоплаб берилиши бўйича зарурий чораларни кўрсин.

4. Масъул ташкилотлар ва идоралар раҳбарлари, Термиз шаҳар ва туманлар сектор раҳбарлари тасдиқланган камбағалликни қисқартириш Манзилли дастурида белгиланган вазифаларни ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

5. Вилоят Маънавият ва маърифат маркази, Термиз шаҳри ва туманлар бўлими раҳбарлари “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги қолган оилалар билан мунтазам учрашиб, уларни руҳиятини ва ҳаётга қизиқишларини ошириш бўйича суҳбатлар ўтказиб борсин.

6. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдувоҳидов), Термиз шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари “Темир дафтар” “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги ногиронлиги бор ва ижтимоий касалликка чалинган аъзолари мавжуд оилалар ҳолидан йил давомида хабар олиш ҳамда уларни даволаш бўйича ишларни ташкил этсин.

7. Термиз шаҳри ва туманлар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари “Темир дафтар”га киритилган уй жойга муҳтож оилаларни уй жой билан таъминлаш бўйича зарурий чоралар кўрсин.

8. Юқоридаги барча бандлар ижроси бўйича ҳар чорак якунигача халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

10. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.